



## Богдоднинг кулаши

*Муаллиф: Муҳаммад Султанов*

## Богдодга йўл

1-кисм

Аббосийлар сулоласи ва Богдоднинг кулаши нафакат Ислом тарихи, балки жахон тарихида ҳам энг мухим воқеалардан бири ҳисобланади. Бунга сабаб сиёсий харитада янги куч пайдо бўлиб, бу куч дунёда ҳукмронлик қилишга даъвогар эди. Ушбу дахшатли кучнинг пайдо бўлиши бутун дунёга, шу билан бир каторда, Ислом оламига ҳам улкан офатларни олиб келган. Хижрий еттинчи асрда пайдо бўлган ушбу куч мўғуллар давлати эди. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Ер юзида жуда кўплаб ўзгаришлар, дахшатли қиргинлар бўлиб ўтган. Мўғуллар ўз юришларини барча йўналишларда амалга оширганликларига карамай, уларнинг асосий максадларидан бири Аббосийлар халифалиги бўлган. Мўғуллар халифаликка қарши уруш бошлаш учун стратегик режалар тузишар ва пухта тайёргарлик кўришар эди. Келажакда ушбу режалар ҳаётга татбиқ қилиниб, Богдоднинг фатх этилиши кўплаб вайронагарчилик ва дахшатли қиргинлар билан тугаган. Бундай ваҳшийликлар тарихда бўлмаган эди.

1253 йили мўғуллар ҳукмдори Мункехон Аббосийлар халифалигини забт этишни ва кўшни минтакаларда қарам давлатлар тузишни режа қилади. Богдодга улкан юришни тайёрлаш учун 5 йил кетди. Ушбу вақт ичида Хитойдан Богдодгача бўлган йўлнинг ўтказгич кучи оширилган бўлиб, бу мўғуллар кўшинининг йўлдан осонликча ўтишини таъминлаб берди. Шунингдек, оғир қуролларни олиб ўтиб етказиш учун оғир вазнли аравалар тайёрланган. Богдодга олиб борадиган йўл атрофидаги барча яйловлар маҳаллий аҳолининг уй хайвонлари томонидан бўшатилди. Хитойдан Ироккача бўлган йўлда жойлашган барча стратегик нуқталар мўғуллар томонидан кўрикланди. Шу орқали мўғулларнинг асосий кўшини хавф-хатарсиз манзилга етиб бориши таъминланди. Хулағо учун Ирок ва хусусан Богдод ҳақида тўлиқ маълумотлар етказилган эди. Шу сабабли мўғуллар Богдод ва халифаликнинг ички вазияти, қуролли қучлари, иқтисодий аҳоли ҳақида тўлиқ маълумотга эга эди. Шунингдек, Аббосийлар давлатига таъсир ўтказиши мумкин бўлган барча одамлар ҳақида ҳам маълумотлар олинган эди. Йигилган маълумотлар кўп йиллар давомида мўғул жосус, айгоччилари томонидан олиб борилган жараён натижаси эди. Айрим айгоччилар халифаликнинг амалдорлари ва вилоятлар ҳокимлари билан алоқа ўрнатишган. Бундан ташқари, мўғуллар Богдодга юришни бошлашдан аввал христианлар Арманистони, французлар Антиохияси ва бошқа минтақага таъсир ўтказиши мумкин бўлган қучлар билан иттифок ва қелишувлар тузганлар. Шунингдек, Хулағо бошқа Ислом олами ҳукмдорлари ва ҳокимлари томонидан мўғулларга қарам бўлишга ҳамда пассив ёрдам беришга шартлашишган. Минг афсуски, бу ҳукмдорларнинг асосий қисми буюқ Салоҳиддин Айюбий авлодидан эди. Барча маълумотларни ўрганиб чиққан Хулағо аббосийлар кўшини заифлиги ва халифа Ал-Мустасимнинг заиф нуқталари ҳамда унинг имкониятларини ўрганиб чиқиб, халифаликни ва Богдодни ҳимоя қилишга қучлари етмаслигига ишонч ҳосил қилди. Хижрий 654 йили Аббосийлар халифалигига юриш учун барча тайёргарликлар ниҳоясига етди. Чингизхон давридан бошлаб мисли кўрилмаган кўшин йигилди. Фақат Богдодни забт этиш учун 200 мингдан зиёд бўлган кўшин йигилди. Бундан ташқари, Ирок шимолида кўп сонли мўғул кўшинлари тайёрланган эди. Буларнинг ҳаммаси Богдодга бўлган йўлда жойлашган кўмакчи кўшинларни ҳисобга олмаганда. Бунга кўшимча қилиб захира

кўшинлари, разведка ва назорат гурухлари ҳам шакилланган.

– Форс, Озарбайжон, Шаркий Ирокда жойлашган асосий кучлар Россиянинг Волга дарёси бўйида жойлашган мўгул кўшинлари гурухи ( улар Россияни забт этган, машхур Боту кўшини бўлиб, Хулаго уларни ҳам юришга чакирган эди). Аммо Ботухон бу юришга ўзи келмасдан, уч нафар жиянларини жўнатади. Ўша даврда Ботухон ўзига карам ерларда Олтин Ўрда давлатига асос солган бўлганига карамай, Мункехонга бўйсунисга мажбур эди.

– Европага жўнатилган мўгул кўшини Туркиянинг шимоли Анатолияда жойлашган эди. Хулаго уларни ҳам Богдод фатхига кўшилишини талаб килади. Байжо бошчилигидаги ушбу кўшин Туркиядан Ирокгача бўлган йўлда ҳеч қандай қаршилиққа учрамасдан асосий кўшинга келиб кўшилади. Афсуски, мусулмон ҳукмдорлари мўгул кўшинлари ерларидан осонликча ўтишлари учун барча имкониятларни яратиб беришади, шу сабабли мўгул кўшинлари Анатолия, Мосул, Халаб, Хомс ерларини осонликча кечиб ўтишади.

– Арманистон подшохи Хетум бошчилигидаги гурух. Хулаго дўсти бўлган Арманистон подшохи Хетумдан ҳам кўшин жўнатишини сўраганига карамай, Хетум ўзи бошчилик килиб катта кўшин билан келиб Хулагога кўшилади.

– Шунингдек, Хулаго ихтиёрига 1000 нафар мохир хитой камончиларини олади. Чунки улар оловли камон ўқларидан фойдаланиш бўйича катта тажрибага эга эдилар.

***Санжар Кобил таржимаси***